



# ВОДИЙ ЁҚАЛАБ...

*Қиш кунлари туғаб, оламга баҳор келди. Биз журналистлар бу фаслни таърифлаганда, деҳқоннинг пайтавасига қурт тушди, деб ҳам кўямиз. Аслида баҳор барчани баравар ҳаракатга солиб кўяркан. Ушандай ҳаракатдан биз ҳам бебаҳра қолмадик. Йўлга тушдик. Йўлимизводий ёқалаб кечди. Мақсад Фарғона вилояти коммуналчилари амалга ошираётган хайрли ишлар билан танишиш бўлиб, водийлик сувсозлару уйсозларни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан табриклаш эди. Чунки биздаги маълумотларга кўра Фарғона вилояти сувсозлари аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашда олдинги ўринларда туради.*

Қадимдан маълумки, инсоннинг инсондай яшаши учун унга ҳеч йўғи энг зарур омиллар керак. Сув эса ҳаёт демакдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида кўрилмоқда. Бу борада Фарғона вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ва бошқарма тасарруфидаги корхоналар ходимларининг илғор тажрибаларини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Фарғона вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Равшан Раҳимжонов билан суҳбатлашар эканмиз, гапни ана шу масалаларга бурдик.

– Айтиш лозимки, аҳолини нафақат ичимлик суви билан таъминлашда, шунингдек, коммунал хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида, авва-

ло, бу борада давлатимиз томонидан қабул қилинган қарорлар, вазирлик чиқарган буйруқлар асосида иш юритмоқдамиз, – дейди бошқарма бошлиғи. – Қолаверса, аксарият мутахассисларимизнинг тажрибали кишилар экани, уларнинг қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси билан яқиндан алоқада бўлишлари ҳам ишимизни илгарилатмоқда. Бунга битта мисол шуки, ёзёвонликлар маҳаллаларга сув тармоқларини тортишда ҳашар қилиш ташаббуси билан чиқишди. Шундай қилиб, маҳалла аъзолари пластик қувурлари учун траншеялар қазишда ва ётқизилган қувурлар устига тупроқ тортишда сувсозларга яқиндан ёрдам берганлари учун ишимиз унди. Кейинчалик бу тажриба барча жойларда оммалаштирилди. Маҳаллалар ва алоҳида ҳовлиларга сув тушириш тезлашди. Маълумки, Фарғона,





Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги асосий сув тармоқлари тортилганига 30–40 йил бўлган. Бугунга келиб бир пайтлар ётқизилган қувурлар чириб битган. Кейинги икки йил орасида ана шу темир қувурларни пластмассаларига алмаштириш борасида катта ишлар қилинди. Биргина “Обод қишлоқ” дастури доирасида 19 млрд. сўмлик иш бажарилди. 60 та қишлоққа сув тармоқлари тортилди. Тўртта сув қудуғи қавланди 29 та сув минораси тикланди. 200 км масофада сув тармоқлари ётқизилди. Натижада аҳолини марказлашган ичимлик сув тармоғига улаиш даражасини 83,5 фоизга олиб чиқдик. Бу вилоятда 2,9 млн. одам тоза сув билан таъминланганини билдиради.



Дарвоқе, вилоятда коммуналхизматнинг бошқа соҳаларида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилаётганини бошқарма бошлиғи айтиб ўтган рақамлардан билиш мумкин. Вилоятнинг 19 та шаҳар ва туманларида жами: 3 112 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, уларга 284 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда. 2019 йилда 1 004 та кўп қаватли уйларда таъмирлаш, хусусан, 187,9 минг м<sup>2</sup> том қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш, 544 та уйнинг фасад қисмини ва 1580 та кириш йўлакларини таъмирлаш режалаштирилган эди. Ҳозирда мазкур ва уй-жойлар билан боғлиқ бошқа кўплаб юмушлар жадаллик билан ниҳоясига етказилмоқда.

Дарвоқе, вилоятда коммуналхизматнинг бошқа соҳаларида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилаётганини бошқарма бошлиғи айтиб ўтган рақамлардан билиш мумкин. Вилоятнинг 19 та шаҳар ва туманларида жами: 3 112 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, уларга 284 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда. 2019 йилда 1 004 та кўп қаватли уйларда таъмирлаш, хусусан, 187,9 минг м<sup>2</sup> том қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш, 544 та уйнинг фасад қисмини ва 1580 та кириш йўлакларини таъмирлаш режалаштирилган эди. Ҳозирда мазкур ва уй-жойлар билан боғлиқ бошқа кўплаб юмушлар жадаллик билан ниҳоясига етказилмоқда.







– Албатта, кичик ҳажмдаги иш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди, – дейди суҳбат асносида Равшан Раҳимжонов. – Аввало ишчида рағбат, иш берувчида маблағ бўлиши керак. Бошқарма мутахассислари томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларидаги мавжуд қозонхоналарнинг техник талабларга мослиги тўлиқ ўрганиб чиқилди. Натижада 1,2 км иссиқлик тармоқларини мукамал таъмирлаш, 8 та локал қозонхона ва ҳамда 13 та қозонларни мукамал ва жорий таъмирлаш зарур деб топилди. Бу ишларни бажаришга 39.560 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бошқармада барчага ўрнатилган, бир сўз билан айтганда, малакали мутахассислар, оддий ишчилар, чилангарлар кўп. “Фарғона-Мунис” коммунал-сервис хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Замира Сотиболдиева, вилоят “Иссиқлик манбаси” ташкилотининг бош муҳандиси Абубакир Ғофуров, чилангарлар Алижон Ниёзова, Неъматжон Ёқубов, Абдурашид Саъдуллаев, Озодбек Эсоналиев ва бошқалар шулар жумласидан. Бу ерда исмлари келтирилган ва келтирилмаган барча сафдошларимни касб байрамлари билан қизғин табриклайман. Уларга соғлиқ ва оилаларига тинч-тотувлик тилайман.

Водий ёқалаб сафаримизни давом эттириб, Қўқон шаҳрига келиб, бу ерда вилоят “Сувоқва” ДУК Қўқон шаҳар филиали раҳбари Акмал

Ирмановга учрашдик. Айни ўша пайтда корхона раҳбари вилоятдан келган мутахассислар иштирокида чилангарлар Раҳимжон Тўрақулов, Сирожиiddин Ибрагимов, Акбар Қодиров, Бозорбой Убайдуллаевлар билан шаҳарда оқова сув хизмати даражасини янада кўтариш масаласини муҳокама қилиб туришган экан.

– Корхонамизда юқорида номлари тилга олинган усталар каби 174 нафар ходим меҳнат қилади, – дейди А.Ирманов. – Улар томонидан Қўқон шаҳридаги мавжуд 65 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 364,49 км ичимлик сув, 290.1 км оқова сув тармоқларига хизмат кўр-







сатиб келинмоқда. Бугунги кунда Қўқон шаҳар аҳолиси ичимлик сув таъминотининг 98.8 фоизи “Сувоқава” томонидан, 1.2 фоизи корхона, ташкилотларга қарашли сув тармоғидан фойдаланиб келади. Оқава суви хизмати билан таъминланганлик даражаси 81 фоизни ташкил этади. Ҳозир ўтказилган йиғилишимизда 14 фоиздан ортиқ аҳолини марказий оқава тармоғига улаш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқдик.

Бу ерда гувоҳи бўлганимиз яна бир воқеа шу бўлдики, Қўқон шаҳар ҳудудидаги насос станциялар ичимлик сув тармоғи янги тармоққа уланиши натижасида жами 14 та эскирган сув иншооти тўхтатилибди. Бунинг натижасида ойига 145 минг квт/с электр энергия сарфи тежалмоқда экан. Эскирган сув ва канализация тармоқларини янгилаш давом этиб, шаҳарда қўшимча 152.6 км (1-босқичда 83.4 км) ичимлик сув ва 67.9 км (1-босқичда 23.2 км) канализация тармоқларини тортиш ва реконструкция қилиш ишлари режаштирилганини айтишди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги гўзал ва фаровон ҳаётимизни, мамлакатимиз тараққиётини коммунал соҳасидан айри ҳолда тасаввур етолмаймиз. Бу борада фарғоналик коммуналчиларнинг юрт равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Хуллас, қилинган ишлар ҳам, қилинажак ишлар ҳам бисёр. Водий ёқалаб сафаримиз эса ҳали кўп давом этади.

**Ш.РАДЖАБОВ, К. ЎЛМАСОВ**